O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 13 февраль, № 30 (4440) Чоршанба


# МОДЕРНИЗАЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



Фармацевтика

***Юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, бажарилаётган барча саъй-ҳаракатлар инсон, унинг манфаатларига қаратилганлигини яққол ҳис этамиз. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти 2007 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида ҳам алоҳида таъкидлади.***

Зеро, бугун тиббиёт тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг кўлами беқиёс. Масалан, биргина фармацевтика соҳасига кўрсатилаётган алоҳида эътибор, шак-шубҳасиз, унинг илдам одимлар билан ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Бу йўналишда Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрда имзоланган «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамиятга молик.

Истиқлол давригача республикамизда бор-йўғи 2 та фармацевтика саноат корхонаси мавжуд бўлиб, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот аҳоли дори таъминотининг атиги бир фоизинигина қоплар эди. Мустақиллик йилларида фармацевтика катта одимлар билан ривож топди. Шу йилнинг 1 январига келиб, фармацевтика саноати корхоналари сони 83 тага етди.

Ана шулар орасида пойтахтимиздаги «RADIKS» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси алоҳида ўрин тутади. Ушбу корхонада юз турга яқин дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборли жиҳати — шу кунгача мазкур муассасага 3,4 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция киритилди. Корхона ҳозир аҳоли эҳтиёжини қондирибгина қолмай, ўз маҳсулотларини четга ҳам экспорт қилаётир. Жамоа аъзолари бу йил хорижга 200 минг АҚШ доллари миқдорида дори-дармон жўнатиш ҳаракатида. Бу бугун юртимизда муваффақият билан фаолият кўрсатаётган фармацевтика корхоналари ҳаётидан бир мисол, холос.

Бинобарин, буларнинг барчаси Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва ғоялари асосида тиббий хизмат кўрсатиш тизимида бошланган ва босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир.

**Ф. САНАЕВ.**






**СУРАТЛАРДА:** тайёр маҳсулотлар назорати ходимлари иш устида; корхона ишчиси Д. Умарова.

**Б. АКРАМОВ олган суратлар.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Фарғонада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот-коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида конференция ўтказилди.***

## Эркин сўз салмоғи

У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Конституциясининг 15 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида белгиланган долзарб вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти мавзуига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ахборот-коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х. Дўстмуҳамедов ва бошқалар оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб масалалар ҳақида фикр билдирдилар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ҳам иқтисод, ҳам экспорт

***Самарқанд вилояти саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, истеъмол бозорини сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда маҳаллийлаштириш дастурининг аҳамияти катта бўлаяпти.***

Ўтган йили 9 та саноат корхонасида 25 та лойиҳа бўйича иш жараёни шу асосда ташкил этилди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши натижасида йил мобайнида 22008,8 минг АҚШ доллари ҳажмидаги валюта тежалди, 480,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги тайёр маҳсулот экспорт қилинди. Яна бир эътиборли томони, мазкур корхоналарда 121 та янги иш ўрни яратилди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги қувватлар самараси

***Пахтакор туманидаги «Жиззахёғ» масъулияти чекланган жамиятида жорий йил бошида 50 та иш ўрни яратилди.***

Бунга корхонада янги қувватларнинг ишга туширилиши, жумладан, 330 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада ёғи олинган чигитни экстракциялаш йўлга қўйилгани, кунига 250 тонна кунжут, зиғир, махсарни қайта ишловчи янги технологиялар ўрнатилгани имкон берди.

Хом ашё масаласида узилиш бўлмаслиги учун бу йил Бахмал, Жиззах, Ғаллаорол туманлари ҳудудида жами 12600 гектар ерда махсар ва зиғир етиштириш режалаштирилмоқда.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Чўлнинг «луқмаи ҳалоли»

***Марказий Фарғона чўлида жойлашган «Андижонбалиқ» акциядорлик жамияти икки йил муқаддам ўз мижозларига 137 тонна балиқ етказиб берган эди.***

Жорий йилда эса жамоа ички бозорни 400 тонна сазан, дўнгпешона, амур сингари балиқлар билан таъминлашга қарор қилишган.

Гап шундаки, инқирозга юз тутган корхона «Қурилиш маркет» хусусий фирмаси тасарруфига ўтгач, қаровсиз қолган урчитиш цехи қайта тикланди. Лойқа, қўға, қамиш қоплаган ҳовузлар тартибга келтирилди.

Урчитиш ҳисобига эса бу ерда биринчи марта саккиз миллионтадан ортиқ майда балиқ тайёрланди. Наврўз умумхалқ байрамига қадар шаҳарликларга 150 тонна парҳез маҳсулот ҳадя этилади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 15 та корхона қолоқликдан қутулди

***Ўтган йили Хоразм вилоятида иқтисодий ночор деб топилган 17 та корхонага 27 млрд. 300 млн. сўм инвестиция киритилганди. Сармоя наф берди.***

Ушбу тадбир қўлланилган барча корхоналар тез фурсатда оёққа туриб олишди.

Масалан, 10 та корхона 1,4 млрд. сўмга яқин дебиторлик, 9 таси эса 1,7 млрд. сўм кредиторлик қарзларидан қутулиб, бир маромда ишлай бошлади. Айни пайтда корхоналарнинг ўн иккитасида ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 120 фоизга ўсди.

Асосийси, киритилган инвестиция туфайли 261 тадан зиёд янги иш ўринлари яратилди, жумладан, 118 нафар киши касаначилик тартибида меҳнатга жалб этилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Германиянинг Потсдам шаҳрида ўтган йилнинг сентябрида мамлакатимизда ўтказилган «Меъморий обидаларни асраш бўйича биринчи ўзбек-герман ёзги академияси» натижаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

# ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙ МЕЪМОРИЙ МЕРОСИГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

▼ **Дунё нигоҳи**

Мазкур ёзги академияда қатнашган Потсдам махсус олий ўқув юртининг олимлари, тадқиқотчилари ва талабалари ўзларининг Ўзбекистонга сафари натижалари, юртимизнинг бой меъморий мероси ва тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, уни қайта тиклаш ишига кўрсатилаётган катта эътибор хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Потсдам махсус олий ўқув юрти ректори Й. Виелхабер Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги қурилиш ва меъморчилик институтлари билан ҳамкорликда Германия ташқи ишлар вазирлиги, Германия академик алмашувлар хизмати (ДААД), Герта Хенкел жамғармасининг молиявий кўмагида ташкил этилган ёзги академия курсини 70 нафардан ортиқ мутахассис ва талаба тамомлаганига тўхталар экан, мазкур ёзги курслар келгусида қўшма лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

«Келгусида тарихий обидаларни таъмирлаш бўйича малакали мутахассислар тайёрлайдиган ўзбек-герман қўшма факультети ташкил этилиши бу соҳадаги икки томонлама алоқалар йўналишига катта ҳисса қўшиши мумкин», деди олим.

Й. Виелхабер мамлакатимизнинг кўҳна шаҳарларида жойлашган бебаҳо тарихий обидалар бутун дунёга инсониятнинг бетакрор меъморий мероси сифатида машҳур эканлигини алоҳида уқтирди. Германиялик олим бу ноёб осориатиқаларни асраб-авайлаш ва уни ўрганишга қаратилган, Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни юксак баҳолади.

Ёзги академия курсларига раҳбарлик қилган С. Валлаш айрим тарихий ёдгорликлар ҳолатини ўрганиш бўйича ўтказилган илмий-амалий машғулотлар таъмирлаш ишларини олиб бориш юзасидан қатор тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берганини қайд этди. С. Валлаш Самарқанддаги Шодимулк оға мақбарасида Потсдам махсус олий ўқув юрти олимлари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан амалга оширган таъмирлаш бўйича лойиҳа натижалари ҳақида ҳам маълумот берди.

Профессор Б. Штайгервалд Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар топографиясига тўхталиб, тадбир иштирокчилари эътиборини Афросиёб, шунингдек, Регистон майдонида жойлашган Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг тарихига қаратди. Немис олими ушбу йўналишда қўшма таъмирлаш ишларини олиб бориш ва лойиҳаларни ҳаётга кенг татбиқ этиш келгуси авлодлар учун ушбу бебаҳо дурдоналарни етказиб бериш ишида катта аҳамиятга эга эканини эслатди.

Шунингдек, тадбир доирасида иштирокчилар эътиборига ёзги академия фаолиятига доир фотокўргазма, Ўзбекистон телевидениесининг «Давр» дастурларида намойиш этилган телелавҳалар ва республикамиз тарихий обидалари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳавола этилди.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
Берлин

# МАҚСАДИМИЗ – ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ

▼ **Дил сўзи**

Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасини жон қулоғим билан тингладим, матбуотда чоп этилгач, диққат билан ўқиб чиқдим. Шу аснода биз сингари тадбиркорларнинг баайни кўнглидаги гап айтилганини теран ҳис этдим. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналар барпо этиш ва борларини реконструкция қилишга хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Буни республикамиз ялпи ички маҳсулоти таркибида кичик бизнеснинг улуши 46 фоизни ташкил этгани ҳам яққол исботлаб турибди. Ушбу ютуққа бизнинг «Ургут яшил олтини» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам арзигулик ҳисса қўшганлигидан мамнунмиз.

Дарвоқе, замонавий техника ва технологияларга эга корхонамизда ўн йилдан буён шифер, пластик рўзғор буюмлари, эшик-деразалар, полиэтилен халталар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, пудрат асосида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошираяпмиз, касб-ҳунар коллежлари қурилишларида фаол иштирок этаяпмиз. Самараси чакки бўлмаяпти.

Жамоамиз «Ташаббус — 2007» республика кўрик-танловида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, Президент совғаси — «Матиз» автомашинаси билан мукофотланди. Бу рағбат, табиийки, бизни янги-янги ташаббусларга ундамоқда. Жумладан, ҳозир корхонамиз негизида Италия ишбилармонлари билан ҳамкорликда пахтани қайта ишловчи завод қурилишини бошлаб юбордик. Бу демак, жамоамизнинг иқтисодий салоҳияти янада ошади, кўплаб киши иш билан таъминланади.

**Зайниддин АҲРОРОВ,**
**Ургут туманидаги «Ургут яшил олтини» масъулияти чекланган жамияти директори.**

# ИНСОН ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида хусусий фермер хўжаликлари эндиликда моҳиятан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланганини алоҳида уқтирдилар. Бу фермерларга берилган юксак баҳо бўлиб, юртимизда деҳқон меҳнати чинакамига қадр топаётганидан далолат, дейиш мумкин. Мана, ўзимиздан қиёс: биз бултур 20 гектар майдондан 67 тонна ўрнига 133 тонна юқори сифатли пахта, 20 гектар ғаллазордан эса 80 тонна сара дон йиғиштириб олдик. Бироқ бу марралар биз учун чегара эмас. Шу боис жорий йилда чигит қадаладиган 32 гектар майдонни сифатли шудгорлаб қўйганмиз. 8 гектар ердаги ғалла майсаларини эса рисоладагидек парваришлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Тажрибалардан маълумки, чўл шароитида ҳосилдорликнинг ортиши кўп жиҳатдан ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга боғлиқ. Ҳукумат йиғилишида бу масала устувор йўналишлардан бири этиб белгиланганни айни муддао бўлди. Чунки мелиорация ишларининг ривожланиши деҳқончилик соҳасидаги ютуқларимизнинг ҳар қачонгидан салмоқли бўлишига хизмат қилади.

**Эркин ТУРСУНОВ,**
**Миришкор туманидаги «Азиз Турсунов» фермер хўжалиги раҳбари.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***Бугунги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши***

**25 фоизни ташкил этмоқда.**

Бундай ўсишга, аввало, республикамизда кенг кўламли бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, янги тармоқ ва корхоналарни яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани туфайли эришилмоқда.

# СОЛИҚ ИДОРАЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

***Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Давлат солиқ хизмати органлари ҳамда тизим ўқув юртлари раҳбарлари иштирокида ДСҚ Ҳайъатининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз томонидан Давлат солиқ органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижро этилишини ташкиллаштириш ва таъминлашга доир чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинди. Муҳокама асносида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш юзасидан Давлат солиқ хизматининг чора-тадбирлар дастури қабул қилиниши зарур деб топилди.

Мазкур Дастурда:

— бош вазифа сифатида макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш борасида қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш ва эътибордан четда қолаётган масалалар бўйича аниқ вазифаларни белгилаш, амалдаги имтиёзлар тизимини такомиллаштириш ва унинг афзалликларини кўрсатган ҳолда, инвесторларни жалб қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

— иккинчи устувор йўналиш сифатида ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш борасидаги амалий ишларни танқидий баҳолаган ҳолда, ушбу масалалар юзасидан қабул қилинадиган тегишли қарорлар бўйича ҳамда Солиқ кодексининг амалий ижросини чуқур ўрганиб,

(Давоми 2-бетда).

Парламент ҳаёти

# ҚОНУН

## транспортда хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади

*Мамлакатимизда турли транспорт воситалари орқали манзилга элтишда одамларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий базасини яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда фақат ўтган йилнинг ўзида "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлар Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш тартибини, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштиришга, шунингдек, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан автомобиль салонининг олд қисмига ўрнатилган теле, видеомонитордан транспорт воситаларини бошқариш вақтида фойдаланганлик, бундай воситаларни ўзбошимчалик билан ўрнатганлик учун жавобгарлик жорий этишга қаратилган. Бундан сал илгарироқ эса автотранспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан фойдаланганлик ва хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик жорий этиш тўғрисидаги қонунлар эълон қилинган эди. Бугунги кунда ушбу қонунларнинг ҳаммаси кучга кирган. Мутахассислар фикрича, улар йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.*

*Бироқ ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Бу жараён транспортда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун янги ҳуқуқий ҳужжатларга эҳтиёж туғдиради ва шундай қонунлар лойиҳалари бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш босқичларида турибди. Айнан шу муносабат билан биз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари С. ЖАББОРОВга бир нечта саволлар билан мурожаат қилдик.*

— Шундай қонун лойиҳаларидан бири Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган "Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасидир, — дейди Собир Ваҳобович. — Бу қонуннинг мазмуни тўғрисида марказий газеталарда ахборот берилди. Яна бир қонун лойиҳаси — "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" деб номланади.

**— Мазкур кодексга бугунги кунда ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга нималар сабаб бўлаётир?**

— Энг аввало, бунга транспорт хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси таҳлили сабаб бўлди. Тегишли статистик маълумотларни ва юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш амалиётини ўрганиш бундай ҳуқуқбузарликлар ҳалигача давом этаётганини кўрсатмоқда. Ҳаво кемаси бортида юриш-туриш қоидаларини бузиш, транспорт воситаларининг, жумладан, локомотивлар, вагонлар, автобуслар, таксилар, йўналишли таксилар, шаҳар электр транспорти ва метрополитен вагонларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш транспорт ташкилотларига анча миқдорда зарар келтирмоқда ҳамда фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмоқда. Бундай ҳуқуқбузарликлар натижасида жамоат тартиби қўпол равишда бузилиб, фуқароларимизнинг тинчлиги, хавфсизлигига путур етказилмоқда, транспортнинг хавф-хатарсиз ишлашига тўсиқ бўлмоқда.

**— Нега? Бизда бундай ҳуқуқбузарликларга қарши кураш тизими бор-ку?**

— Тўғри, бор. Бу тизим ишлаяпти. Аммо бу курашнинг амалиётда тўлақонли бўлмаётганлигининг асосий сабабларидан бири — юқорида таъкидлаб ўтилган қонун нормаларининг зарур даражада такомиллаштирилмаганлигидир. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланганидек, транспортда, шу жумладан, ҳаво кемаси парвози чоғида унинг бортида фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун қўлланиладиган жарима тариқасидаги жазолар ушбу ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос эмас. Яъни, содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори, бироқ уларга нисбатан қўлланиладиган жазо тариқасидаги жарима миқдори заиф таъсир кучига эга.

Транспортларда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг, шу жумладан, ҳаво кемалари бортида бўладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига маъмурий жазони такомиллаштиришни назарда тутувчи нормалар киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари Қонунчилик палатасига **"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини киритдилар. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг ҳаво кемаси бортида юриш-туриш қоидаларини бузганлик учун, транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаларидаги санкция миқдорини ошириш таклиф этилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида очиқ ҳаво ёки сув бўшлиғидаги кемаларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, жавобгарликни белгиловчи нормани киритиш таклиф этилмоқда. Чунки бундай норма Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда мавжуд эмас.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди ва бизнинг қўмитамиз ҳозирги вақтда уни иккинчи ўқишга тайёрламоқда.

Биз санаб ўтилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликнинг такомиллашиши парвозлар хавфсизлигини, транспортларнинг нормал фаолиятини ҳамда фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини сақлашда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

**— Ҳаво транспортидаги ҳуқуқбузарликлар фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидангина содир этилаётгани йўқ. Аслида, бу масала халқаро миқёсга ҳам эга. Шу туфайли мазкур муаммони ҳал қилиш учун давлатимиз томонидан қандай чоралар кўрилмоқда?**

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, транспорт, шу жумладан, ҳаво транспорти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий тусдаги чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда ҳаво ҳудудларида фуқаро авиацияси учиши хавфсизлигини таъминлашни назарда тутувчи турли масалаларни ўз ичига қамраб олган бир қатор халқаро шартномаларга Ўзбекистон ҳам қўшилди. Масалан, 1992 йил 8 июлда Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция (1977 йил, Монреаль) ратификация қилинди, 1995 йилда имзоланган ҳаво кемаси бортида содир этиладиган жиноятлар ва бошқа баъзи актлар тўғрисидаги Конвенцияга (1963 йил, Токио) қўшилдик. 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси қабул қилинди. Бундан ташқари, фуқаро авиацияси учиши хавфсизлиги қоидаларини тартибга солувчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида транспортда, шу жумладан, ҳаво кемасида содир этиладиган жиноятлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ҳам ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузганлик, ҳаво кемаларининг ички жиҳозларига шикаст етказганлик, ҳаво кемаси бортида чекиш учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи бир қатор нормалар ўз аксини топган.

Ўйлаймизки, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қабул қилиниб, кучга кирганидан сўнг, шу соҳадаги бошқа қонун ҳужжатлари билан биргаликда, учиш хавфсизлигини, транспорт фаолиятини яхшилаш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашда муҳим қадам бўлади, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид нормаларни мустаҳкамлайди, мутасадди органлар масъулиятини оширишга хизмат қилади.

**Эсиргап БОЛИЕВ суҳбатлашди.**

# ҲАЗРАТ НАВОИЙНИНГ ТАВАЛЛУД САНАСИ ХОРИЖДА ҲАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

***Хорижий мамлакатларда буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби, ўзбек адабий тили асосчиси Алишер Навоий таваллудининг 567 йиллигига бағишлаб тадбирлар ўтказилди.***

**Исломобод**да Покистон адабиёт академияси ва «Марказий Осиё — Покистон» маданий форуми Ўзбекистоннинг мазкур мамлакатдаги элчихонаси билан ҳамкорликда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий конференцияни ўтказди.

Унда Покистон сиёсий партиялари, таҳлил марказлари, оммавий ахборот воситалари ва хорижий дипломатия ваколатхоналари, шунингдек, «Осиё цивилизациялар жамияти» ва «Покистон ёзувчилар уюшмаси» каби ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда «Осиё цивилизациялари жамияти» президенти, профессор Зулфиқор Қурайший ва вице-президенти, профессор Розия Султон хоним, Покистон адабиёт академияси раиси, доктор Ифтихор Ориф, Покистон телерадиокомпаниясининг урду тилидаги адабий дастурлар директори, туркшунос олим Уғуз Билолларнинг ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, унинг жаҳон ва ўзбек адабиётида тутган ўрни ҳамда бадиий меросни бойитишга қўшган улкан ҳиссаси тўғрисидаги илмий маърузалари тингланди.

Конференция доирасида Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шунингдек, Ўзбекистонда Алишер Навоий, Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маданий ёдгорликларига оид фотокўргазма ва Алишер Навоийнинг «Хамса» асари асосида ишланган миниатюралар намойиши бўлиб ўтди.

9 февраль — ғазал мулкининг султони таваллуд топган кун муносабати билан Покистоннинг «Pakistan Observer» ва «Ittehad» газеталарида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар эълон қилинди.

**Токио**да Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйиш маросими ўтказилди. Тадбир Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси ва «Сока» университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ушбу қутлуғ сана муносабати билан ёдгорлик ўрнатилган «Сока» университети марказий майдонида мазкур олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалари тўпланди.

Маросим чоғида сўзга чиққанлар истиқлол йилларида юртимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти ва миллий қадриятлари қайта тикланиб қарор топгани, буюк олим ва файласуфлар меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Алишер Навоий шеърияти туркий тилни назмий жиҳатдан юксалтирди ва нафақат ўзбек, балки бутун туркий халқлар адабиёти ривожига улкан таъсир кўрсатди. Буюк давлат арбоби, файласуф ва шоир ҳаёти ҳамда ижоди Шарқдаги кўплаб авлодларга ўзига хос намунага айланди.

Тадбирда қайд этилганидек, Алишер Навоий ижодидаги инсонни бағрикенглик ва меҳр-оқибатга чорлаш 120 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотувликда ҳаёт кечираётган Ўзбекистон жамиятида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

«Сока» университети халқаро департаменти директори Хиротомо Тераниши ўз нутқида буюк шоир шарафига номланган Навоий шаҳри ўзбек халқидаги шижоат, меҳнатсеварлик ва қаҳрамонликнинг ўзига хос тимсоли эканини таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан у улуғ аллома Алишер Навоий хотирасини абадийлаштириш ва унинг бой меросини кенг тарғиб этиш борасидаги хизматлари учун «Сока» университети асосчиси, «Сока Гаккай Интернэйшнл» жамияти президенти Дайсаку Икеда 2007 йилда «Навоий шаҳрининг фахрий фуқароси» дипломи билан тақдирланганини қайд этди.

Эҳтиром

Жамоатчилик билан алоқалар бўйича департамент директори Коки Эзаки буюк шоир ҳамда мутафаккир Алишер Навоий ижодида дўстлик ва ўзаро ҳурмат, яхшилик ва раҳм-шафқат каби энг эзгу қадриятлар тараннум этилганки, бу «Сока Гаккай Интернэйшнл» жамияти ғояларига ҳамоҳангдир, дея таъкидлади. Шу маънода у ўзбек халқининг атоқли фарзанди Алишер Навоий ҳайкали «Сока» университети бош майдонини безаб турганидан фахр ва ифтихор ҳиссини туяётганини билдирди.

**Москва шаҳридаги** Добрининг майдонида бундан олти йил муқаддам Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилган эди. Ҳар йили ушбу майдонда буюк шоир ва мутафаккир таваллуд топган сана муносабати билан унинг сермазмун ҳаёти ва умрбоқий ижодини ёд этиш анъана тусини олган. Жорий йилнинг 9 феврал куни ҳам бу ерда Россия жамоатчилиги, мамлакат пойтахтида таҳсил олаётган ва истиқомат қилаётган юртдошларимиз ҳозир бўлдилар.

— Алишер Навоий сиймоси Марказий Осиё халқлари учун рус халқининг Пушкини сингари ғоятда ардоқлидир, — дейди «Россия — Ўзбекистон» жамияти бошқаруви раиси Игор Кругових. — Навоий ижодида ифода этилган эзгу ғоялар бугунги кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

И. Кругових ҳайкал қад ростлаган хиёбонни янада ободонлаштириш ва бу ерга ташриф буюрувчи ҳар бир инсоннинг баҳридили очиладиган ўзбекона файзли бир гўшага айлантиришдек хайрли ишларга эътибор қаратиб, бир неча йил бурун Ўзбекистондан олиб келиб ўтказилган ажойиб тераклар хиёбоннинг гўзал манзараси билан уйғунлашиб, буюк шоир ёдгорлигига ўзига хос шукуҳ бахш этиб турганини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

жойлардан таклифлар олиш орқали уни янада такомиллаштириш устида иш олиб бориш, монополияга қарши курашиш ва бозор иштирокчилари учун соғлом рақобат муҳитини яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, молия-банк, аудиторлик ва суғурта фаолиятини ривожлантиришда солиқ ролини таҳлил қилиш ва бу йўналишда қабул қилинган дастурлар ижросини мониторинг қилиб бориш;

## СОЛИҚ ИДОРАЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

— учинчи устувор йўналиш сифатида аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши бўлмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш борасида солиқ органларига юклатилган вазифалар ва қабул қилинган қарор, фармойишларнинг қатъий ижросини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада кўзланган марраларга эришиш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

— асосий устувор йўналиш сифатида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бюджет тушумларига бевосита таъсир этишини инобатга олиб, бугунги кунда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ер участкаларининг сифатини қайта баҳолаш тадбирларини ташкил этиш, ерлардан унумли фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари нормаларининг амалиётдаги самарасини мониторинг қилиб бориш ва тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

— "Ёшлар йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида солиқ тизими ўқув юртлари фаолиятини янада яхшилаш, ёш кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш, уларнинг захирасини яратиш масаласига жиддий эътибор қаратиш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда улар ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланди.

Шунингдек, ушбу Дастур бўйича олиб борилаётган амалий ишлар юзасидан ҳар ойнинг навбатдаги ҳайъат йиғилишларида мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланиши қайд этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ДСҚ Ахборот хизмати.**

ТАРАДДУД

# ҚИШ ФАСЛИ — ИШ ФАСЛИ

***Тажрибали деҳқонларнинг айтишича, қишлоқ хўжалигида олинажак даромад салмоғини, айни пайтда, экин-тикин мавсумига нечоғли пухта тайёргарлик кўрилганига қараб ҳам чамалаш мумкин экан. Негаки, бу юмушларга зарур техника ва ускуналарни бугун тахт қилиб қўйганлар эртага шошиб қолмайди. Чигитни ўз вақтида қадаб, бехато ундириб олади. Бу деҳқончиликдаги биринчи довон ошиб ўтилди, деганидир. Шу боис, ҳозир мамлакатимиз машина-трактор паркларида иш қизғин паллада.***





Жорий йил Бекобод туманидаги мингга яқин фермер 16900 гектар майдонда ғўза парвариш қилади. Ушбу фермер хўжаликларидаги ҳамда тумандаги мавжуд МТПлардаги техникалар "Далварзин" муқобил машина-трактор паркида марказлашган тартибда мавсумга ҳозирланмоқда.

— Таъмирлашнинг бундай ташкил этилиб, зарур эҳтиёт қисмлар билан тўлиқ таъминланганлиги ишимизни енгиллаштирди, — дейди ушбу муқобил МТП муҳандиси Олимжон Жўраев. — 200 нафардан зиёд муҳандис-техник, механизатор, чилангар устадан иборат жамоа учун барча шароитлар яратилиб, моддий манфаатдорлиги оширилгани эса, уларнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Натижада ҳозирданоқ паркимиздаги 145 та чигит экиш сеялкаси, 744 та сихмола, 204 та культиватор, шунча чопиқ трактори, 60 дан ортиқ ҳайдов тракторини мавсумга шайлаб қўйдик. Бундан ташқари, 37 дона пушта олиш мосламаси, 30 дан ортиқ минерал ўғит сепиш, 15 та ер текислаш ускунаси ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ҳисоблаб кўрсак, бу ишларга 275 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланибди. Аслида бажарилган бугунги юмушлар бу рақамларда эмас, балки эртанги яратилажак тонналаб "оқ олтин"дан келадиган даромад билан ўлчанишини инобатга олсак, хизматимизнинг аҳамияти яққолроқ кўзга ташланади, назаримда.

Гарчи бугун пайкаллар қор остида тин олаётган бўлса-да, тақдирини шу ер билан боғлаган заминдорларнинг, уларга бақамти туриб, елкама-елка меҳнат қилаётган муҳандис, механизаторларнинг авжи иш палласидир. Зотан, қишлоқ хўжалигида танаффус бўлмайди. Мавсум мавсумга уланиб, эртанги ризқ-рўзимиз яратилаверади.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** "Далварзин" муқобил МТП уста чилангарлари Эҳсонали Абдуллаев ва Шерзод Тошматов; механизатор Алибек Эрқулов.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**

Бухоро томонларда

## МУДИРАЛАР ЎҚУВИ

***Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими анъанавий йиғилиш услубидан воз кечиб, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари учун ўқувни йўлга қўйди.***

Шундай ўқувларнинг дастлабкиси 61-мактабгача таълим муассасасида ташкил этилиб, у тренинг усулида ўтказилди. Савол-жавобга бой, қизиқарли кечган ўқув жараёнида мудиралар ўзаро тажриба алмашиб, ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини ўртага ташладилар.

## ҚВПнинг КЎРКАМ БИНОСИ

***Ромитан туманидаги «Қаҳрамон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи қарийб уч минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пункти биноси бутунлай янгича қиёфага кирди.***

Бу ерда реконструкция ишлари амалга оширилиб, бино «Саломатлик — 2» лойиҳаси талаблари асосида тайёр ҳолга келтирилди. Натижада тиббий маскан физиотерапия, лаборатория хоналарига эга бўлди. Беморлар учун кундузги шифохона хизмати ҳам йўлга қўйилмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# СОҒЛИҒИМИЗ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

***Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, минтақамизнинг айрим мамлакатларида сўнгги пайтда гепатит, сил ва бошқа юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик аҳвол ёмонлашаётгани кузатилмоқда. Шу муносабат билан республикамиз ҳудудига бундай касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида эпидемиологик назоратни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Бош давлат санитария врачи Бахтиёр НИЁЗМАТОВ бу ҳақда ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— Ўзбекистонда аниқ мақсадга йўналтирилган профилактика ва эпидемияга қарши тадбирларнинг ўтказилиши туфайли кўплаб юқумли касалликларга чалиниш ҳолатлари йил сайин камайиб бормоқда, — дейди Б. Ниёзматов. — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистонни полиомиелитдан холи мамлакат сифатида эътироф этди. Мамлакатимизда олти йилдан буён бирорта ҳам дифтерия билан касалланиш ҳолати қайд этилгани йўқ. 2006 йилга қараганда ўтган 2007 йилда ичтерлама касаллиги учдан бир ҳиссага, менингит хасталиги қарийб ярим бараварга камайди, бруцеллёз, кўкйўтал, ўткир ичак инфекцияси бўйича ҳам кўрсаткичлар яхшиланди.

Буларнинг барчаси Президент Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилаётган доимий эътибор, бу борадаги мақсадли дастурларни амалга ошириш самарасидир. Масалан, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини амалга оширишда аҳолига турли касалликлар бўйича профилактика, ташхис қўйиш ва даволаш ёрдамини кўрсатиш тизимида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу борадаги ишлар самарадорлигини қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Мисол учун, ўтган йили 1990 йилга нисбатан вирусли гепатит билан касалланиш 5 мартага камайди. 2001 йилда мамлакатимизда чақалоқларни В гепатитига қарши эмлаш жорий этилиши натижасида болаларнинг ушбу хасталикка чалиниши 30 бараварга камайди.

Айни пайтда, асосан, маиший йўл билан ёки мулоқот пайтида юқадиган А гепатити кўрсаткичи анча ошди. Ичимлик сувининг ифлосланиши, санитария назоратидан ўтмаган ва зарарланган маҳсулотларни, ювилмаган мева-сабзавотларни истеъмол қилиш, шунингдек, бемор билан бевосита мулоқотда бўлиш ушбу касаллик тарқалишининг асосий омиллари ҳисобланади.

Назорат

Давлат санитария ва эпидемиология назорати хизматлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимига қарашли айрим сув қувурларида зарарсизлантирувчи мосламалар йўқлиги ёки қониқарсиз ишлаётгани аниқланди. Бундан ташқари, сув қувурлари тармоғи ва канализация-тозалаш иншоотларидаги ускуналарнинг бир қисми эскирган бўлиб, уларни реконструкция қилиш ёки тўлиқ алмаштириш зарур. Текширув давомида баъзи бир озиқ-овқат саноати, умумий овқатланиш ва савдо объектларида санитария-гигиена қоидалари бузилаётгани аниқланди. Айниқса, мактабгача болалар муассасалари, мактаблар ва бошқа ўқув юртларининг болалар сони кўпчиликни ташкил этадиган гуруҳларида вирусли гепатит касаллигининг юқиши қайд этилмоқда. Вазиятни яхшилаш учун тегишли идоралар санитария шифокорларининг кўрсатмаларига қатъий риоя қилишлари даркор.

Бутун дунёда, ҳаттоки, энг ривожланган давлатларда ҳам ҳозирча сил касаллигига барҳам берилгани йўқ. Ўзбекистонда ушбу йўналишда катта ишлар амалга оширилди. Бу борада «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун, 2004-2008 йилларда сил билан касалланишнинг олдини олиш ва камайтиришга доир дастур амалга оширилмоқда. Бугунги кунда республика миқёсида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг энг илғор DOTS стратегияси жорий этилди. Ушбу стратегиянинг мақсади оммавий текширувлардан табақалашган, яъни болалар, ўсмирлар ва катталар ўртасида текширувларга ўтишдан иборат. Сўнгги йилларда кўплаб сил касаллигини даволаш муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, улар энг замонавий асбоб-ускуна ҳамда зарур препаратлар билан таъминланди. Бу ишлар изчил давом эттирилмоқда ва ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистонда сил билан касалланиш кўрсаткичи бошқа МДҲ давлатларига нисбатан 1,5-2 баравар камлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Лекин, республикамиздаги эпидемиологик вазият барқарорлигига қарамай, ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Эпидемиологик вазиятни доимий ва қатъий назорат қилишгина мамлакатимизнинг бу борадаги хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Шу мақсадда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Аҳолини сил касаллигига қарши эмлаш ва қайта эмлаш ишлари давом эттирилди, тиббиёт муассасаларининг вирусли гепатитга чалинган беморларни олдиндан аниқлаш ва даволаш бўйича ишлари янада кучайтирилди. Даволаш-профилактика муассасалари, ўқув юртлари, транспорт, бозорлар, озиқ-овқат саноати, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарида дезинфекция ҳамда эпидемияга қарши қоидаларга қатъий риоя қилишга доир чоралар кўрилди. Масалан, таълим муассасаларида қаерда ишлаб чиқарилгани ноаниқ маҳсулотларни сотиш тақиқланди. Бундан ташқари, хўжалик ишлари ва истеъмол қилиш эҳтиёжлари учун очиқ ҳовузлардаги сувлардан фойдаланаётган аҳоли пунктларига сифатли ичимлик сувини узлуксиз етказиб бериш, шунингдек, фойдаланилаётган сув қувурлари тармоғини таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш қатъий назорат остига олинган. Ташқаридан инфекция кириб келишининг олдини олиш мақсадида давлат чегарамиз бошқа давлатлар ҳудудлари билан туташган жойлардаги барча санитария-назорат пунктлари фаолияти кучайтирилди. Республикамизга гигиена ва сифат сертификатларига эга бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш тақиқланган.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, ҳар биримиз нафақат ўз соғлиғимиз, балки атрофимиздаги одамлар саломатлиги ҳақида ҳам ўйлашимиз зарур. Шу боис, бирон-бир касалликнинг дастлабки белгилари аниқланганда, тана ҳарорати кўтарилганда, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Бундай ҳолларда оддий, бироқ амалий профилактика чораларини эсдан чиқармаслик керак. Санитария ва гигиена қоидаларига доимо қатъий амал қилиш шарт. Бундан ташқари, ўзингиз ва фарзандларингиз иммунитетини оширишни ҳам унутманг. Тўғри овқатланиш ва витаминларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш, меҳнат ва кундалик турмуш тартибига риоя этиш кўплаб касалликлардан сақланиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш имконини беради.

**ЎзА мухбири А. ИВАНОВА ёзиб олди.**

▼ Жараён



***Бугун юртимиз бозорларига кирсангиз, у ердаги тўкин-сочинликни кўриб, кўнглингиз кўтарилади. Сархил мевалар, қишин-ёзин расталардан аримайдиган полиз ва сабзавот маҳсулотлари ҳозиргина тандирдан узилган оби нонлар... Ёши улуғ онахонлар, нуроний отахонлар билан суҳбат қурсангиз, умри бино бўлиб бундай дориломон замонни кўрмаганини, ушбу тўкин-сочинликнинг қадрига етмоқ шартлигини алоҳида таъкидлашади. Дарҳақиқат, кўп минг сонли фермерларимизнинг фидокорона меҳнати, қолаверса, мамлакатимизда уларга яратилаётган имкониятлар, барча соҳалардаги каби, қишлоқ хўжалигида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар самараси бу!***



# КАСАНАЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА



Фермерларимизнинг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган ғаллани қайта ишлаб, тайёр ва ярим тайёр маҳсулот ҳолида халқимизга тортиқ қилишда саноат корхоналарининг ҳам муҳим ўрни бор. Хусусан, «Тахиатош дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятида темир ва бошқа элементлар билан бойитилган ун ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда махсус ускуна-дозаторлар ўрнатилган бўлиб, улар орқали фойдали озиқ элементларининг тўлиқ сақланишига эришилмоқда.

Ўтган йили мазкур корхонада жами 9 миллиард 129 миллион 203 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 1 миллиард 105 миллион 531 минг сўм кўпдир. Жумладан, 34514 тонна ун, 17397 тонна омихта ем, 918 тонна макарон, 120 тонна нон маҳсулотлари аҳолига етказиб берилди. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 сўмлик маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган чиқим 0,86 тийинни, ўртача иш ҳақи 90930 сўмни ташкил этди. Шунга кўра, йил якунида 1 миллиард 244 миллион 723 минг сўм даромад олинди.

— Ҳатто бир сиқим унда ҳам зарур элементлар мавжуд бўлишига эришаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Қаландар Имашев. — Агар ўтган йили 34514 тонна биринчи навли бойитилган ун ишлаб чиқарилгани ҳисобга олинса, бу борада катта қадам ташлангани аён бўлади-қўяди.

Корхонада 67 нафар киши касаначилик асосида ишга жалб этилган. Ана шундай имкониятдан фойдаланган тахиатошлик Парчагул Илёсова буюртма бўйича қўлқоп ва енглик тикиб топширмоқда. Бунинг эвазига оиласига қўшимча даромад киритаяпти. Яқинда турмушга чиққан Ақмарал Дўсимбетова ҳам касаначиликдан наф кўраётганидан мамнун. Назар Қутимов ишчиларнинг пойабзалларини бутлаш билан шуғулланаётган бўлса, Қалабой Гулбаев бузилган техникаларни созлаб, корхонага фойда келтирмоқда.



Тахиатош шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқувчиси Ойсулув Аллановага корхона номидан замонавий компьютер совға қилинганида, қизалоқнинг ҳам, унинг яқинларию ўқитувчиларининг ҳам кўзларида қувонч нури порлади. Чунки ногиронлигига қарамасдан, тиришқоқлиги туфайли барча фанларни чуқур ўзлаштиришга интилаётган Ойсулувга рағбат кўрсатилгани кўпчиликнинг дилидаги истак эди.

Бундай хайрия тадбирлари корхона жамоасининг доимий эътиборида. Хайр-саховат ва ҳомийлик ишларига 8 миллион 110 минг сўмлик, шаҳардаги уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийсига 4 миллион сўмлик ёрдам берилгани фикримизнинг далилидир. Айниқса, Тахиатошдаги 2 ва 6-сонли мактаблар бинолари корхона ҳомийлигида таъмирлангани ёшларнинг қувончига қувонч қўшди.

Яқинда «Тахиатош дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти янги автобус сотиб олди. У ҳозир ишчиларга хизмат кўрсатмоқда. Жорий йил давомида эса корхонада ишчи-ходимларга яна кўплаб қулайликлар яратиш кўзда тутилмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.** t

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ

2008 йил 29 февраль, 4, 11, 18, 25 март кунлари соат 12.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдолари ўтказади.

**Аукцион савдоларига қуйидаги мулк қайтадан қўйилмоқда:**

«PASTA KAMOLA» ҚКнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор-26 мавзеси, Заргарлик кўчаси, 2-уйда жойлашган «PASTA KAMOLA» ҚК банкрот корхонасига тегишли, умумий майдони 955,0 кв.м. бўлган бино қисми, «LEVATI» Италия фирмасининг картофель чипсларини тайёрлаш линияси, Италиянинг «IMAFARNI» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган чўзма навли печенье тайёрлаш линияси ва барча товар-моддий бойликлардан ташкил топган мулкий мажмуа.

***Бошланғич баҳоси — 1 026 213 000 сўм.***

Ушбу мулкни корхонанинг тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 10 фоиз миқдорида закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этган ҳолда савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.**

208Н/252

ТАЛАБАЛАР ВА ЕВРОПА УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА ЎҚИШ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«ТРАНСАЭРО» АВИАКОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН ГЕРМАНИЯ ШАҲАРЛАРИГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН АВИАЧИПТАЛАРНИ МИНИМАЛ ТАРИФДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**БЕРЛИН** 360 ЕВРО ва ундан юқори (бориш ва қайтиш)

**ФРАНКФУРТ** 403 ЕВРО ва ундан юқори (бориш ва қайтиш)

*Тарифлар йиғимлар ҳисобга олинмаган ҳолда кўрсатилган, жойлар чегараланган.*

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ

*Телефонлар: Тошкентда: 233-27-45; Бухорода: 383-44-25.*

Аккредитация сертификати № 210.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

замонавий электрон газ ўлчагичлари.



Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий **очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2006 йил 19 сентябрдаги 1-7730-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган, умумий қурилиш майдони 397,82 кв.м.дан иборат таркибда: А, А4-литерларда яшаш уйи, А1-литерда айвон, А2, А3, А5, А6-литерларда бостирма, Б-литерда ҳаммом, В-литерда ёрдамчи хона, А-литерда 50,40 п/м бўлган девор қўйилган.

*Бошланғич нархи — 44 993 441 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 26 февраль куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ушбу мулклар сотилиши тўғрисидаги эълон «Андижоннома» газетасининг 2008 йил 9 февралдаги 12-сонида чоп этилган.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.**

Лицензия: DB 001 № 000004.

# Ҳунар бепул ўргатилади

***Марғилон шаҳрида "Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази"нинг янги биноси иш бошлади. Марказ "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган.***

Бу ерда замонавий касб-ҳунар турлари ёшларга бепул ўргатилади. Марказнинг инглиз тили, компьютер саводхонлиги, биринчи тиббий ёрдам, ҳуқуқий маслаҳатхона, тикиш-бичиш каби тўгаракларига 124 нафар йигит-қиз қабул қилинди. Айни кунларда машғулотлар қизғин тус олган.

Марказнинг йил давомида 500 нафар ёшни касб-ҳунарга жалб қилиш мўлжали бор.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- *хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);*
- *муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлари);*
- *судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);*
- *мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);*
- *Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);*
- *Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).*

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди

**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй. Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03. web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университет «Ахборот-ресурс маркази» сектор мудири Сайёра Ибрагимовага отаси **Баҳриддин ХУШАТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари инглиз филологияси факультети декани Тоиржон Икромовга қизи **Дилдора ИКРОМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт • Sport • Спорт

# ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

***Франция пойтахти Парижда якунланган халқаро суперкубок мусобақаларида ўзбекистонлик дзюдочилар муваффақиятли иштирок этишди.***

Мураббий Андрей Штурбабин бошчилигидаги уч нафар полвонимиздан иккитаси юртимизга медаллар билан қайтаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Дзюдочиларимиздан Рамзиддин Саидов (90 кг.) финалгача бўлган олишувларнинг барчасини ғалаба билан якунлади. Фақат ҳал қилувчи беллашувда россиялик Ҳасамби Таовга кичик ҳисобда имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан тақдирланди. Учинчи ўрин Зафар Маҳмадов (Россия) ва Давид Аларза (Испания)га насиб этди. Яна бир полвонимиз Абдулла Тангриев (+100 кг.) эса нуфузли турнирнинг бронза медалини қўлга киритди.

Ҳозир дзюдо бўйича терма жамоамиз апрель ойида Кореяда бўладиган Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи қитъа чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ИҚТИДОРГА ЭЪТИБОР НАТИЖАСИ

***Ҳабиба Бойматова эндигина ўн саккизга кирди. Бироқ спортга бўлган иштиёқи, чаққонлиги ва маҳорати билан танилиб улгурди.***

У болалигидан Шарқ яккакурашининг таэквандо турига меҳр қўйган бўлиб, мактабда таҳсил олаётган чоғидаёқ пойтахтда ўтказилган баҳсларда биринчиликни эгаллаган эди. Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежига ўқишга киргач, маҳоратини янада toблади, спорт устаси, 1-ДАН қорабелбоғ соҳибаси даражасига етди. 2006 йили Тошкентда ўтказилган халқаро турнирда олтин медални қўлга киритган бўлса, ўтган йили Осиё чемпионатида ғолибликка эришди.

— Иқтидоримнинг юзага чиқиши, энг аввало, юртимизда болалар спорти равнақига бўлган эътибордан, — дейди Уйчи туманининг Жийдакапа қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳ. Бойматова. — Акс ҳолда, шунчалик обрў-эътибор топиш, таэквандо бўйича Ўзбекистон ёшлар миллий терма жамоаси сафида юриш осон кечмасди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЁШ БОКСЧИЛАР УСТОЗНИ ХОТИРЛАШДИ

***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий В. Глозумовни Фарғонада ҳам яхши хотиралар билан эслашади.***

Бу таниқли устоз сабоғини олган А. Шпилев, В. Юдин, В. Гозенко сингари боксчилар жаҳон, олимпиада ўйинлари совриндорлари бўлишган.

Фарғонада таниқли мураббий хотирасига бағишлаб ўтказиладиган турнир анъанага айланиб қолди. Вилоят марказидаги Олимпия захиралари коллежида ўтказилган хотира турнирида 13-14 ёшли боксчилар баҳс боғлашди. Бошқа турнирлардан фарқли ўлароқ, боксчилар 15 вазн тоифасида рингга чиқдилар.

Турнирнинг бош соврини — «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти томонидан таъсис этилган мукофот ўтган йили ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори бўлган М. Рўзиевга насиб этди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЖАРАНГДОР ОҲАНГЛАР ЖОЗИБАСИ

**Нафосат оламида**

Санъат қалбни эзгулик ва муҳаббатга ошуфта этади. Миллатни жаҳонга танитадиган, тарих зарварақларига унинг номи билан боғлиқ зарҳал сатрларни муҳрлайдиган асосий омиллардан бири ҳам юртда буюк истеъдодларнинг камол топишидир.

Жорий йилда эълон қилинган Юртбошимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши айни мақсадни кўзлаган муҳим ҳужжатдир. Унда акс этган долзарб масалалар ёш авлоднинг санъат соҳасида етук билимли мутахассис бўлиб етишишларини таъминлайди.

Андижон санъат коллежида ҳам бугун истеъдодли ўғил-қизларни тарбиялаш борасида намунали ишлар йўлга қўйилган. Коллежда 272 нафар ўқувчига фортепьяно, торли чолғулар, халқ чолғу асбоблари, анъанавий ижрочилик каби 17 йўналиш бўйича таълим берилади. Ўтган йили — истиқлолимизнинг 16 йиллиги арафасида коллеж биноси янги қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Шу боис бу даргоҳда билим олаётган ёшлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Улар танлаган йўналишлари бўйича малакали мутахассислар қўлида мусиқа илмидан сабоқ олишмоқда. Замонавий ахборот-ресурс маркази дейсизми, муҳташам спорт зали, энг сўнгги чолғу асбобларию ўқув жиҳозларигача — барибари фарзандларнинг пухта билим эгаллашига хизмат қилаётир. Бу каби ғамхўрлик, шубҳасиз, уларни юксак марралар, нуфузли танловларда юрт шарафини муносиб ҳимоя қилишдек муваффақиятлар сари ундайди.

**СУРАТДА:** Фортепьяно йўналиши бўйича таълим олаётган ўқувчи Дилоромхон Комилова.

**Хурсандбек АРАББОЕВ**
**олган сурат.**


## Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

**2008 йил 29 февраль куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 19 июндаги 1-914/06-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 127-уйда жойлашган «Тошкентлифт» корхонасига тегишли ва шу манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қайтадан қўйилади:**

- 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY387 бўлган «ГАЗ-52» (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 3 466 300 сўм.***
- 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AS132 бўлган «ГАЗ-52» (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 4 332 450 сўм.***
- 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY389 бўлган «ГАЗ-5201» (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 7 297 250 сўм.***
- 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY392 бўлган «ГАЗ-52» (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 3 648 200 сўм.***
- 1970 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AY388 бўлган «ГАЗ-93Б» (самосвал) русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 2 832 200 сўм.***
- 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AR092 бўлган «ГАЗ-52» (вышка) русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 6 447 250 сўм.***
- 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AH680 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич баҳоси — 1 508 750 сўм.***

**Шунингдек, 2008 йил 29 февраль куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулклар қайтадан қўйилмоқда:**

- 2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 22AA100 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган «ХУНДАЙ ЭКУС» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.***
- 2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 22AE100 бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган «ХУНДАЙ ГРЕЙНДЖЕР XG-300» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.***
- 2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 10I2121 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес Бенц 600 SEL» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.***
- ЖСК-1-413/04-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10Y0804 бўлган «Мерседес Бенц A-160» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 55 000 000 сўм.***
- ЖСК-1-413/04-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AN999 бўлган «Мерседес Бенц SL-500» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.***

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А. Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.**

**Лицензия DB001-000010.**

209Б/253



## «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» акциядорлари диққатига!

***Ҳурматли акциядорлар!***

«Ўзсаноатқурилишбанк» сизга ўз эҳтиромини изҳор этади ва банк кенгаши томонидан 2008 йил 11 февраль куни қабул қилинган 13/2008-сонли қарорга биноан имтиёзли акциялар бўйича йиллик 24 фоиз ҳисобидан 2007 йилнинг 4-чораги учун 6 фоиз миқдоридаги оралиқ дивиденд тўланиши тўғрисида эълон қилади. Дивидендларни 2007 йил 31 декабрь ҳолатига ёпилган акциядорларнинг реестрида мулкий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар олишлари мумкин. Дивидендларни олишга доир бўлган масалалар бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг тегишли филиалларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

*Банк кенгаши.*

212Б/232



## GUNWOO ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охирги ишланмалари асосида яратилган **ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР**НИ таклиф этади.

Диаметри **100 мм** дан **1200 мм** гача.
Босимга чидамлилиги — **12,5 бар.**

***МДҲ давлатларида намунаси йўқ !***

***ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ:***
***суғориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, саноат, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб.***

1. Босимга чидамли уч қатламли ичимлик суви таъминоти учун қувурлар (225-1200 мм.)
2. Икки қатламли қувурлар (150-1200 мм.)
3. Икки қатлами перфорацияланган қувурлар (150-1200 мм.)
4. Бўртмали қувурлар (100-400 мм.)
5. Бўртмали перфорацияланган қувурлар (100-400 мм.)
6. Канализация учун қувурлар.





Нархлари нисбатан арзон, тўлов келишилган ҳолда амалга оширилади

**Вилоятлардаги дилер ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этамиз.**

**ТЕЛ.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.**
**ФАКС: (370 71) 715-63-16.**
**Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., «Қанғли» к., 16-«А» уй.**
**gunwoo@mail.ru**

Маҳсулот сертификатланган.

Кафолат муддати — 50 йил

168Б/203


**Мулоҳаза**

***Мусиқий асарлар, кино-видео маҳсулотларни қалбакилаштириш муаммоси овоз ёзиш ва кино саноати ривожланиши билан вужудга келган. Дастлаб грампластинка, кейинчалик аудиокассета, бир неча йиллар ўтиб видеокассета каби фонограмма маҳсулотлари "қароқчилик" билан шуғулланишнинг муҳим объектларидан бўлиб қолди. Сўнгги 5-10 йил ичида ахборот технологияларининг жадал ривожланиши натижасида компакт-дисклар оммавий равишда истеъмолга кирди ва шу тариқа контрафакция янада кучайди.***

## Огоҳ бўлинг:

# СОХТА ДИСКЛАР



"Контрафакт" сўзи лотинчадан contra — қаршилик, facio — қиламан сўзларидан олинган бўлиб, сохталаштириш ва тарқатиш деган маъноларни англатади. Контрафакция қонунчиликка кўра, ўғирликка тенглаштирилган иқтисодий жиноят ҳисобланади. Фонограмма ишлаб чиқарувчилар халқаро Федерациясининг 2005 йилги маълумотига кўра, дунё бўйича биргина мусиқий асарларнинг ноқонуний савдосидан топиладиган маблағ йилига 4,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Контрафакция кенг ёйилган мамлакатларда "қароқчи — тадбиркорлар" ҳақиқий ҳуқуқ эгасига қараганда бир неча марта кўпроқ даромад кўришади. Бу ҳолатни бозорларимизда, истироҳат боғлари, кўнгилочар жойлар, савдо қаторлари ва бекатларда мусиқий асарлар, кино-видео маҳсулотлари савдоси учун ташкил этилган шохобчалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Юртимизда ижрочи ёки муаллиф билан шартнома тузиб, шу асосда уларнинг асарларини қонуний кўпайтирган ҳолда лицензион интеллектуал маҳсулотлар тайёрлайдиган фонограмма ишлаб чиқарувчилар сони талайгина. Ана шундай фонограмма ишлаб чиқарувчилардан бири "Ohang media" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Носиржон Каримов билан суҳбатда бўлдик.

— Лицензион маҳсулотлар тайёр ҳолатга келгунча бир нечта босқичдан ўтади, — дейди суҳбатдошимиз. — Дастлаб хонанда ёки ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузиб, асарни кўпайтириш ва сотиш ҳуқуқини оламиз. Шу ҳуқуқий келишув асосида хонанданинг концерти тасвирга олинади. Бу ишни амалга ошириш учун камералар, кран, бир нечта тасвирчи ва монтажчиларни ёллаб, уларга харажатлари ва меҳнати учун ҳақ тўлаймиз. Кейин тайёр маҳсулотни сифатли дискларда кўпайтирамиз. Ҳар бир сотилган маҳсулотдан тушадиган даромаднинг маълум фоизи шартномага кўра, муаллиф, ижрочи ёки ҳуқуқ эгаларига берилади. Айтайлик, битта концертни тасвирга олиш учун бир миллиондан ортиқ маблағ сарф қилиб, 100 дона тайёр маҳсулотни сотувга чиқараман ва диск баҳосини 4 минг сўм, деб баҳолайман. Шу 100 дона дискни сотгунча 2-3 ой ўтиб кетиши мумкин. Чунки мен чиқараётган маҳсулот сифатли бўлса-да, сохтасига қараганда икки баравар қимматлиги учун ҳамма ҳам олавермайди. Илгари Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятларида савдо шохобчаларимиз бор эди, қароқчилик авж олиб кетгандан кейин ҳаммасини бирин-кетин ёпишга мажбур бўлдик. Ҳозир фақат Тошкентда иккита шохобчамиз қолган, лекин уларни ҳам ёпиш арафасидамиз. Баъзан шунақа пайтлар бўлганки, фойда олиш у ёқда турсин, харажатларимизни ҳам қоплолмасдан қолаверганмиз. Маҳсулотимиз ҳақиқий ва сифатли бўлгани учун фақат "қароқчилар" бир донадан сотиб олишиб, уйида ўтириб, виждонсизларча минг-минглаб нусхада қалбакилаштириб, ҳузурини кўрмоқда. Мен бир миллиондан ортиқ маблағ сарфлаб маҳсулот чиқариб, харажатимни уч ойдаям чиқаролмаяпман-у, қароқчилар 2 кун ичида бир миллион даромад қиляпти. Ваҳоланки, улар на давлатга солиқ тўлайди, на муаллиф ёки ижрочиларга ва на бизга ҳақ беришади, уларнинг фаолияти, даромади ҳеч жойда назорат қилинмайди.

Одатда, истеъмолчилар фонограмма маҳсулотларини сотиб олишаётганда унинг сохта ёки ҳақиқий эканлигига ҳар доим ҳам эътибор беришавермайди. Баъзилари эса лицензион маҳсулот сотиб олишни истаса-да, уни қалбакисидан ажратиб ололмайди. Лицензион маҳсулотларнинг сохтасидан қандай фарқ қилиши ҳақида Носиржон Каримовнинг мутахассис сифатидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Лицензион ва қалбаки маҳсулотлар ўртасидаги фарқни ажратиб олиш унча қийинмас, — дейди у. — Ҳозир ҳар бир корхона ўзининг ҳимоя белгиси билан маҳсулот чиқармоқда. Бу белгига турли томондан қаралганда, унинг шакли ўзгариб, турфаранг товланади, ялтирайди. Қалбаки дискларда бундай ҳимоя белгиси мавжуд эмас. Бундан ташқари, лицензион маҳсулотларнинг барчаси махсус қутилар ичига солинган бўлиб, унинг муқовасида кўрсатилган маълумотлар нашриётда сифатли полиграфик қоғозда чоп эттирилади. Уй шароитида кўпайтирилган дисклар учун тайёрланган жилдлар сифатсиз, ундаги суратлар жуда хира, маълумотлари эса кўпинча имловий ва услубий хатолар билан ёзилган бўлади. Яна бир фарқи, биз маҳсулотларимизга корхонамиз номи, жойлашган ўрни, алоқа учун телефон, электрон манзил каби маълумотларни ёзиб қўямиз. Сохта дискларда эса альбомнинг ва ижрочининг номи ёзилади, расми кўрсатилган бўлади, холос. Яна бир фарқли жиҳати, лицензион дискда битта концерт ёки битта альбом жой олади. Қалбаки дискларда эса 5-10, баъзан ундан ҳам кўп бўлган альбомлар, ҳар хил қўшиқчилар клиплари ёки фильмлар жамланган бўлади. Кўпчилик буни тушунмай, ҳам арзон, ҳам шунча концерт кўрсам бўларкан, деб сотиб олаверади. Ваҳоланки, бунда тасвир ҳажми кичрайтирилиб, айтайлик, 10 та ҳақиқий диск битта дискка жойлаштирилади. Сохта диск сотиб оладиган истеъмолчиларга бу ҳол таниш бўлса керак, тасвир хиралашиб, томоша қилаётганда, кадрлар сакраб, баъзан қотиб ҳам қолади, овоз ва тасвир бир-бирига мос келмайди. Контрафакт ва лицензион дискнинг сифат жиҳатидан фарқ қилувчи яна бир томони, бу ахборот ташувчи, яъни тасвир ва овоз ёзиладиган CD, DVD, VCD каби дискларнинг ҳам қалбакилари чиқиб кетганлиги билан белгиланади.

Кино-видео маҳсулотларга талаб ошаётган бугунги кунда қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қарши кураш тадбирлари янада жадаллашса, ҳуқуқий корхона ва компаниялар ривожланарди. Масалан, мен расмий равишда корхона очганман, банкда ҳисоб рақамим бор, 10-15 кишига қонунан ойлик бераман, давлатга солиқ тўлайман ва фойда келтираман. Лекин 2006 йилда давлатга 20 миллион сўм солиқ тўлаган бўлсак, 2007 йилда бу миқдор 10 миллионга тушиб кетди. Бундан кўриниб турибдики, контрафакция касридан нафақат биз каби ишлаб чиқарувчилар, балки давлат ҳам зарар кўрмоқда. Маҳсулотни қалбакилаштиришга қонунан чек қўйилса, ҳақиқий маҳсулотга эҳтиёж ошади. Бу давлат хазинасига йилига 10-20 миллион эмас, балки 50, 100 миллион сўм маблағ солиқ сифатида фақатгина битта корхона даромади орқасидан келиб тушиши мумкин, деганидир.

Қонуний фаолият юритаётган фонограмма ишлаб чиқарувчилар, ижрочилар ва муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Биргина 2007 йилнинг ўзида Агентлик ташаббуси билан бир қатор ҳуқуқ-тартибот ва солиқ органлари ҳамкорлигида мунтазам равишда рейдлар ўтказилиб, 2000 га яқин қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. Шунга кўра, 300 минг нусхадаги бир миллиард сўм миқдоридаги турли шаклдаги мусиқий асарлар, кино-видео маҳсулотлар йўқ қилинди. Шунингдек, жорий йилда ҳам фақатгина Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган навбатдаги рейдлар натижасида барча турдаги бозорлар, савдо расталари, аҳоли гавжум бўлган ва кўнгилочар жойлардаги шохобчаларда сотилаётган аудио-видео асарларнинг 90 фоизи контрафакт маҳсулот эканлиги аниқланди. Текширишлар давомида ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ноқонуний тарзда ишлаб чиқарилган 10 мингдан ортиқ миқдордаги CD, DVD, VCD, VHS, MP3 шаклидаги дисклардан иборат контрафакт маҳсулотлар олиб қўйилди.

Контрафакциянинг камайтирилиши қора бозордаги маҳсулотлардан тушмаётган фойдани расмий бозордан олиш имконини беради. Чунки расмий бозорда ҳар бир интеллектуал маҳсулотнинг савдоси қонуний назорат қилинади. Бунинг натижасида ҳар бир сотилган маҳсулотдан давлатга солиқ тўланади. Қалбакилик билан шуғулланадиганлар олдин очиқчасига, қароқчилик йўли билан пул топган бўлса, кучли назоратдан кейин давлат билан, муаллифлар ва ҳуқуқ эгалари билан ҳисоблашиб ишлашга мажбур бўлишади. Бу мажбурият аста-секин уларни тарбиялаб, қонунларни ҳурмат қилишга, ҳуқуқий маданиятини оширишга ва бозорда ҳақиқий тадбиркор сифатида ўз ўрнини топишга хизмат қилади.

**Бинафша ҚАЛАНДАРОВА,**
**Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги матбуот котиби.**







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6